

«Рухий тарбия» туркум асари ҳақида



12:14 / 14.11.2025 501

Қалб роббоний, руҳоний ва латиф нарса бўлиб, у инсоннинг моҳиятини намоён қилади. Идрок, билим ва маърифат ҳам, хитоб, итоб, иқоб ва талаб ҳам ундандир.

Рух билувчи ва идрок қилувчи латиф нарсадир. Унинг ҳақиқатини Аллоҳ таолодан ўзга ҳеч ким билмайди. Нафсни поклаш ва ахлоқни сайқаллаш дунёдаги энг муҳим ишлардан саналади. Бу муҳим ишга динимизда алоҳида эътибор берилган. Мусулмон умматининг аввалги авлодлари ушбу вазифани шараф билан адо этиб келганлари барчага маълум.

Замонамизнинг беназир алломаси, фазилатли шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳ қаламига мансуб «Рухий тарбия» туркуми покланиш, тикланиш ва хулқланишга бағишланган бебаҳо илмий меросдир. Ушбу муборак силсила борасида сиз азизларга бир хушхабаримиз бор...

Бу хушхабарни яқин орада ижтимоий тармоқларимизда билиб олишингиз мумкин.